



ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Абдуганиева Гулрух Мансур кизи ¹

ижтимоий фанлар факультети 2-курс талабаси

В.Р.Топилдиев ²

Илмий раҳбар: ю.ф.д., профессор

¹⁻² Ўзбекистон Миллий университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6621515>

ARTICLE INFO

Received: 28th May 2022

Accepted: 02nd June 2022

Online: 05th June 2022

KEY WORDS

Олий таълим, таълим, тадбиркорлик, таълим олиш ҳуқуқи, юридик шахс, хизмат кўрсатиш, таълим хизматини кўрсатиш.

ABSTRACT

Мазкур мақолада муаллиф Ўзбекистон Республикаси ОТМларида тадбиркорликни амалга оширишда таълим хизмати кўрсатиш шартномасини назарий ва амалий жихатдан таҳлил этган. Шунингдек, Таълим соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва хизмат кўрсатиш муносабатларини тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни ҳамда боршқа қонун ҳужжатларини мазмун моҳиятини ҳамда цивилист олимларнинг фикларини илмий жихатдан таҳлил этиб таълим соҳасида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини такомиллаштириш лозимлигини ёритиб берган.

Мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг дастлабки кунларидан таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилишни ўзининг асосий мақсадларидан бири сифатида белгилаб олди. Бу борада замонавий таълим тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйишнинг ўзидек таълим тизимига қаратилган эътиборнинг нақадар аҳамиятли эканлигини билдиради. Хозирги кунда ривожланиб бораётган фан - техника ва технологиялар, ахборот коммуникация технологиялари даврини замонавий билим, малака ва тажрибага эга бўлган мутахассисларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу эса ўз навбатида узлуксиз таълим тизими, жумладан олий таълим

муассасалари олдида бир қатор муҳим вазифаларни қўймоқда.

Таълим соҳасини тартибга солиш ҳамиша давлат олдидаги муҳим вазифалардан бири саналади. Зеро таълимга бўлган эътибор келажакни белгилаб берувчи "узок муддатли кредит" сифатида эътироф этилади. Бозор муносабатлари шароитида таълим нафақат давлат томонидан тартибга солинади, балки турли фуқаролик ҳуқуқий шартномаларни тузиш орқали ҳам тартибга солинади. Шу сабабли айни кунларда олий таълим соҳасида турли шартномалар тузилмоқда ва улар ўзига хос тарзда расмийлаштирилмоқда.

Таълим соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, соҳада хизмат кўрсатиш муносабатларини



тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 32 ва 62 - моддалари муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан қонуннинг 62-моддасида давлат таълим муассасалари уставида белгиланган вазифаларга мувофиқ пулли таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Демак олий таълим муассасаларининг аксарияти гарчи нотижорат ташкилотлар хисоблансада, фойда олувчи фаолият билан шуғулланишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган.

Таълим соҳасини давлат томонидан тартибга солишда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий база муҳим роль ўйнайди. Зеро шу кунга қадар Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”, “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида” , “Таълим тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди.

Жумладан, “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида таълим олиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, унга асосан жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар кимга таълим олиш учун тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

Таълим олиш ҳуқуқи:

таълим ташкилотларини ривожлантириш;
таълим ташкилотларида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ўқув дастурларини инновацион технологияларни қўллаган ҳолда амалга ошириш;
ишлаб чиқаришдан ажралган (кундузги) ва ажралмаган ҳолда

(сиртқи, кечки, масофавий) таълим олишни ташкил этиш;
кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
умумий ўрта, ўрта махсус таълимни ва бошланғич профессионал таълимни бепул олиш;

оилада ёки мустақил ўқиш орқали таълим олган фуқароларга, шунингдек умумий ўрта таълим олмаган шахсларга аккредитациядан ўтган давлат таълим муассасаларида экстернат тартибида аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

Чет эллик фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида таълим олишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар таълим олиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

Шунингдек, қонуннинг 11-моддасида фуқаролар шартнома асосида иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепциясининг III. Бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўлимининг 3-бандида “Шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг сифат жиҳатдан янги механизмларини жорий қилиш, шу жумладан шартнома турларини оптималлаштириш, дастлабки шартнома институтини



ривожлантириш, шартнома тузиш эркинлигини кенгайтириш, шартномавий муносабатларнинг барқарорлигини таъминлаш, шартномавий муносабатларда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишни тартибга солиш” вазифалари белгилаб қўйилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш муайян даражада таълим соҳасидага шартномавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмини фуқаролик қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиш орқали амалга оширилади.

Давлат муассасалари юридик шахс сифатида давлат бюджетда турадиган ва мустақил сметага эга бўладиган, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган фаолият, жумладан, маъмурий идора этиш ёки ижтимоий маънавий ишларни бошқаришни амалга оширади. Булар жумласига мустақил сметага, раҳбарларни кредит тақсимлаш ҳуқуқига эга муассасалар: шифохоналар, таълим муассасалари, театрлар, музейлар, судлар, прокуратура ва бошқалар киради.

Юридик шахс ҳисобланган давлат муассасалари ўз низомлари доирасида ўзлари юритаётган вазифаларни амалга ошириб, турли фуқаролик ҳуқуқий битимлар тузадилар, ўзларига бириктирилган мулкдан оператив бошқариш ҳуқуқи асосида фойдаланадилар. Давлат органлари ўз қарзлари учун жавобгар бўлади. Бироқ, маблағи етмаса белгиланган тартибда давлат ҳам унинг учун жавобгар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 76-моддасига асосан “Бошқарув, ижтимоий-маданий

вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади”.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида бюджет муассасалари тизими фаолиятини янада такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш каби таъсирчан шаклларни қўллашни таълаб этади.

Таълим муассасалари юридик шахс ҳисобланади. Оператив бошқарувида ўзига хос махсус мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулккий ҳамда номулккий ҳуқуқларни амалга ошириши, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Таълим муассасалари мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги ва банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа, шу жумладан валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штамплар ва бошқа реквизитларга эга.

Таълим муассасаларининг оператив бошқарувида ёки хўжалик юритувида бўлган объектларнинг (бинолар, иншоотлар, қурилаётган бинолар ва иншоотларнинг, ўқув, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларнинг, таълим оловчилар вақтинча турар жой биноларининг, ва бошқа кўчмас мулк объектларининг, шу жумладан таълим кампусларига кирадиган мулк



объектларининг) хусусийлаштирилишига йўл қўйилмайди.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида муассасаларнинг ҳуқуқий мақоми уларни фуқаролик муомаласидаги иштироки ва тартиби тубдан ўзгарди. Амалиётнинг кўрсатишича ҳозирги кунда давлат муассасалари фақатгина давлат томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан фаолият кўрсатишдан ташқари ўзларини низомларида белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқдалар.

Демак юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, таълим соҳасида олий таълим муассасаси ўз хўжалик юритувини амалга оширишда пулли – шартномавий усуллардан фойдаланишга ҳақли бўлади. Бунда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари муҳим восита бўлиб ҳисобланади.

Республикада ривожланиб бораётган бозор иқтисоди шароитида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг аҳамияти ортиб бормоқда. Маълумки, фуқаролик ҳуқуқида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига алоҳида юридик категория сифатида қаралади. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасига оид қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 38-бобида белгиланган бўлиб, ҳақ тўлаш, шартномани бажариш, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини бузганлик учун жавобгарлик ва шартномани бекор қилиш, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга оид нормаларни ўз ичига олган.

Фуқаролик кодексининг 703-моддаси 2-қисмига кўра, ушбу бобнинг қоидалари алоқа хизмати, тиббиёт, ветеринария, аудиторлик, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш, сайёҳлик хизмати ва бошқа хизматлар кўрсатиш шартномаларига татбиқ этилади.

Бугунги кунда иқтисодий тармоқларнинг жадал ривожланаётганлиги, замонавий рақобатбардош хизмат кўрсатиш ва сервис хизматларини ҳаётимизга кириб келаётганлиги, юртимизда олиб борилаётган самарали иқтисодий ислохотлар натижасида хизмат кўрсатиш ва сервис хизматларининг турлари кенгайиб бораётганлиги ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш соҳасини ҳуқуқий тартибга солишни қайта кўриб чиқишни ва уни такомиллаштиришни тақозо этади.

Фуқаролик кодексида таълим соҳасида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг матни хусусида норма мавжуд эмас, фақат у хизмат кўрсатиш шартномалари турларидан бири эканлиги назарда тутилган.

Фуқаролик кодексининг 703-моддаси биринчи қисмига кўра, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш), буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Ушбу нормадан ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси субъектлари сифатида буюртмачи ва ижрочи иштирок этишини хулоса қилиш мумкин. Тўғри, таълим хизматлари кўрсатувчи



муассасалар билан аксарият ҳолатларда талаба буюртмачи ва ҳақ тўловчи сифатида шартнома тузади ва ОТМ муассасаси ижрочи сифатида ҳақ эвазига таълим хизмат кўрсатади. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, талаба ҳар доим ҳам буюртмачи бўлавермайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 2-моддасига кўра, фуқаролар, юридик шахслар ва давлат фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларнинг иштирокчилари бўладилар. Ушбу нормадан келиб чиқиб, табиийки, фуқаролар, юридик шахслар ва давлат фуқаролик ҳуқуқи субъектлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 102-моддасига кўра, битимлар кўп тарафлама бўлиши, 354-моддасига кўра, тарафлар аралаш шартнома тузишлари мумкин.

Фуқаролик ҳуқуқидаги барча шартномаларда бўлгани каби ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида ҳам шартнома мазмуни унда ифодаланадиган шартлар ташкил этади ва бу шартлар ҳам умумий қоидага асосан асосий, одатдаги ва тасодифий шартлар ташкил этади. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг асосий (муҳим) шартларини ФКнинг 354-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шартноманинг нарсаси тўғрисидаги шартлар, қонун ҳужжатларида бундай турдаги шартномалар учун муҳим ва зарур деб ҳисобланган шартлар, шунингдек тарафлардан бирининг аризасига кўра келишиб олинishi зарур бўлган ҳамма шартлар ташкил этади.

Бугунги кунда энг кўп тузиладиган шартномалардан бири бу ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасидир. Ушбу шартноманинг мазмуни ва унинг турлари хилма-хил бўлсада, бошқа шартномалардан ўзига хос бўлган томони шундаки, яъни ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш, муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш билан характерланади. Бу эса ушбу шартноманинг ўзига хослиги ва бошқа шартномалардан ажралиб туриши билан фарқланар экан.

Жисмоний ва юридик шахсларга ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг аҳамияти, албатта шартнома муносабатларига киришиш ва шартномага доир бўлган қоидаларга ҳамда қонунларга тўлиқ риоя этишга боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам юридик ва жисмоний шахсларга ҳақ эвазига хизмат кўрсатишни фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан ўрганиш умуман, юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатишнинг бир жабҳасини қамраб олади.

Аммо бу ҳолат аксарият ҳолларда фуқароларнинг қонунларни янада чуқурроқ билиши ва унга риоя қилишга, фуқаролар ўртасида ҳуқуқий онгнинг ва ҳуқуқий маданиятнинг янада ривожланишига олиб келади.

Дарҳақиқат, ҳақ эвазига хизмат кўрсатишнинг аҳамияти, шахсларнинг ўз ҳуқуқларини билиши, ўз манфаатларини ҳимоя қила олиши, шу соҳада хизмат қилаётган ҳар бир шахс, шартнома тузиш ва уни тўлиқ бажариш билан боғлиқ бўлиб, унга риоя этиш орқали тавсифланади.

Бизнинг фикримизча, таълим соҳасида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш



шартномасининг асосий шартларига куйидагиларни киритиш мумкин:

1.Таълим хизмати кўрсатиш шартномаси тарафлари;

2. Таълим хизмати кўрсатиш шартномаси предмети;

3.Таълим хизмати кўрсатиш шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

4. Таълим хизмати кўрсатиш шартномаси шартларини бузганлик учун жавобгарлик.

Пулли таълим хизматлари кўрсатиш туфайли вужудга келган ҳуқуқий

муносабатларга, қоидага асосан фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик чоралари қўлланилади, аммо баъзи бир ҳолларда маъмурий жавобгарлик чоралари ҳам қўлланилиши мумкин. Фикримизча, қонун ҳужжатларида олий таълим муассасаларининг мажбуриятларини белгилаб қўйиш, шартномада эса шартнома шартларига талабаларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича аниқ чоралар киритилиши лозим.

References:

1.Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги (ЎРҚ-637-сон, 23.09.2020 й.) қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон).

2.Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” (ЎРҚ-576-сон, 29.10.2019 й.), қонуни.

3.Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида” (ЎРҚ-595-сон, 16.12.2019 й.), қонуни.

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.04.2019 й., 08/19/5464/2891-сон).

5.Топилдиев В.Р.Фуқаролик ҳуқуқи. -Т., Университет. 2014. –Б. 137.

6.Топилдиев В.Р. Фуқаролик ҳуқуқи. -Т., Университет. 2014. –Б. 138.

7.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. –Т., Адолат., 2018. -547 б.